



ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАХСЛАРНИНГ ЎҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Жўрабоев Мирзамурод Торавой ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти
Жисмоний тайёргарлик цикли ўқитувчиси, катта лейтенант
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21675777>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-iyul 2026 yil
Ma'qullandi: 27-iyul 2026 yil
Nashr qilindi: 29-iyul 2026 yil

KEY WORDS

Ўқуқбузарликлар
профилактикаси, инсон
Ўқуқлари, эркинликлар,
қонуний манфаатлар, Ўқуқий
кафолатлар, Конституция,
ички ишлар органлари, Ўқуқий
давлат, инсон қадр-қиммати.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўқуқбузарликлар
профилактикасини амалга ошириш жараёнида
инсон Ўқуқлари, эркинликлари ва қонуний
манфаатларини таъминлашнинг Ўқуқий асослари
ҳамда уларнинг конституциявий кафолатлари
илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан,
Ўзбекистон Республикасининг «Ўқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 46-
моддаси мазмуни миллий ва халқаро Ўқуқ
нормалари билан қиёсий таҳлил қилинган.
Шунингдек, инсон Ўқуқлари соҳасидаги халқаро
стандартлар, хорижий ва миллий олимларнинг
илмий қарашлари асосида Ўқуқбузарликлар
профилактикаси жараёнида шахснинг Ўқуқ ва
эркинликларини таъминлашнинг назарий ҳамда
амалий жиҳатлари ёритилган.

Инсон Ўқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш демократик Ўқуқий давлатнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ўқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга ошириладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам ушбу конституциявий тамойилга қатъий риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши лозим. Чунки Ўқуқбузарликларнинг олдини олиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири бўлгани ҳолда, мазкур вазифани бажариш жараёнида шахснинг Ўқуқ ва эркинликларини асоссиз чеклашга йўл қўйилиши Ўқуқий давлат тамойилларига зид ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасида профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш жараёнида инсон Ўқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари алоҳида Ўқуқий норма сифатида мустақамланган.

Мазкур моддага мувофиқ, Ўқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг Ўқуқлари ва эркинликларини чеклашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшга, инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва бошқа ахборот алмашинуви сирларини бузишга, шунингдек

шахсий ва уй-жой дахлсизлигини чеклашга йўл қўйилмайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустаснодир. Ушбу норма Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалий ифодаси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги машҳур олим Луи Хенкин: «Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан бериладиган имтиёз эмас, балки давлат ҳокимиятини чеклаб турувчи универсал ҳуқуқий қадриятдир», деб таъкидлайди (1). Олимнинг мазкур фикри профилактика жараёнида ҳам давлат органлари ўз ваколатларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши шартлигини англатади. Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги нафақат ҳуқуқбузарликлар сонининг камайиши, балки инсон ҳуқуқларининг қай даражада таъминланганлиги билан ҳам баҳоланади.

Инсон ҳуқуқлари назариясининг яна бир йирик намояндаси Рональд Дворкин: «Ҳуқуқлар давлат манфаатларидан устун турувчи сиёсий ва ҳуқуқий қадрият ҳисобланади», деб ёзади (2). Унинг фикрича, давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам инсоннинг асосий ҳуқуқлари асоссиз чекланмаслиги лозим. Мазкур назария ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, профилактика чоралари қонунийлик, мутаносиблик ва инсонпарварлик принциплари асосида амалга оширилиши зарурлигини англатади.

БМТнинг Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳуқ-атвор кодексида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда инсон кадр-қиммати ва асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ҳамда ҳимоя қилиши шартлиги белгиланган (3). Ушбу халқаро стандартлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, профилактика фаолиятида инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида эътироф этилмоқда.

Шунингдек, Баҳром Саидов таъкидлаганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш жиноят-процессуал соҳадагина эмас, балки профилактика ва маъмурий фаолиятда ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Олимнинг фикрича, ҳар қандай профилактика чораси инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат асосида ташкил этилгандагина қонуний ва самарали бўлади (4).

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур моддада белгиланган ҳуқуқий кафолатлар профилактика фаолиятини амалга оширувчи органлар ваколатларининг ҳуқуқий чегарасини белгилаб, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса профилактика чораларини амалга оширишда давлат манфаатлари билан шахс ҳуқуқлари ўртасида мувозанат сақланишини таъминлайди.

Аввало, моддада шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини асоссиз чеклашга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган. Мазкур норма Конституциянинг инсон ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги ҳақидаги қоидаларининг мантиқий давоми ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатда ҳар қандай давлат органининг фаолияти қонун билан

чекланган бўлиб, унинг ҳаракатлари инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Англиялик ҳуқуқшунос олим A.V. Dicey ҳуқуқ устуворлиги назариясини асослаб, давлат органлари ҳам қонунга бўйсунити шартлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, «ҳуқуқ устуворлиги давлат ҳокимиятининг ўзбошимчалигини чеклайдиган энг муҳим ҳуқуқий кафолатдир» (5). Мазкур ёндашув профилактика чораларини амалга оширишда ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳар қандай ҳаракати аниқ ҳуқуқий асосга эга бўлиши лозимлигини англатади.

Қонуннинг 46-моддасида инсон кадр-қимматини камситувчи ёки шафқатсиз муомала қилиш қатъий тақиқланган. Бу норма инсонпарварлик принципининг ҳуқуқий ифодаси ҳисобланади. Профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, профилактик ҳисобга олиш ёки бошқа профилактика чоралари қўлланилаётганда шахснинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши шарт.

Австриялик олим, инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис Манфред Новак шундай ёзади: «Инсон кадр-қиммати барча инсон ҳуқуқларининг асосини ташкил этади ва давлатнинг ҳар қандай ҳаракати ушбу қадриятга мувофиқ бўлиши шарт» (6). Олимнинг мазкур қараши БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларига ҳам тўлиқ мос келади.

46-моддада шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарлар сирини сақлаш ҳуқуқи ҳам алоҳида кафолатланган. Замонавий ҳуқуқ тизимида мазкур ҳуқуқлар шахсий ҳаёт дахлсизлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Профилактика тадбирларини амалга ошириш баҳонасида ушбу ҳуқуқларни чеклашга фақат қонунчиликда аниқ белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Америка Қўшма Штатлари ҳуқуқшунос олими Рональд Дворкин таъкидлаганидек, «давлатнинг ҳар қандай ваколати инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мажбурияти билан чекланади» (7). Шу сабабли профилактика фаолиятида ахборот тўплаш, шахс ҳақида маълумот йиғиш ёки уни кузатиш каби чоралар қонунийлик, зарурият ва мутаносиблик принциплари асосида амалга оширилиши лозим.

Буюк Британиялик олим Jeremy Waldron инсон кадр-қиммати ва шахсий автономияни ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, «инсон ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳар қандай давлат чораси очик, асосланган ва суд назоратига эга бўлиши керак» (8). Бу ёндашув профилактика жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг шаффофлиги ва ҳуқуқий назоратини таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, 46-моддада шахснинг бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи ҳам кафолатланган. Ушбу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари билан муҳофаза қилинади. Профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида мазкур ҳуқуқни чеклашга фақат қонун билан белгиланган ҳолларда ва ваколатли орган қарори асосида йўл қўйилиши мумкин.

Шундай қилиб, Қонуннинг 46-моддасида белгиланган кафолатлар профилактика фаолиятининг инсонпарварлик, қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлиги принципларига асосланганлигини намоён этади. Бу нормалар нафақат шахснинг конституциявий

хуқуқларини ҳимоя қилади, балки ички ишлар органлари фаолиятининг қонунийлиги ва жамоат ишончини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати сифатида ҳам хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Henkin L. The Age of Rights. New York: Columbia University Press, 1990. – P. 1–25.
2. Dworkin R. Taking Rights Seriously. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1977. – P. 184–205.
3. United Nations. Code of Conduct for Law Enforcement Officials. General Assembly Resolution 34/169 of 17 December 1979. New York: United Nations, 1979. – P. 2–7.
4. Саидов Б. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналиши // Educational Journal of Law and Social Sciences. – 2023. – №4. – Б. 52–58.
5. Dicey A.V. Introduction to the Study of the Law of the Constitution. 10th ed. London: Macmillan, 1959. – P. 188–205.
6. Nowak M. U.N. Covenant on Civil and Political Rights: CCPR Commentary. 2nd ed. Kehl: N.P. Engel Publishers, 2005. – P. 37–54.
7. Waldron J. Dignity, Rank and Rights. Oxford: Oxford University Press, 2012. – P. 83–101.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2023.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни. 2014 йил 14 май, ЎРҚ–371.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 16 сентябрь, ЎРҚ–407.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Янги таҳрир. 2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ–445.
12. Universal Declaration of Human Rights. United Nations, 1948.
13. International Covenant on Civil and Political Rights. United Nations, 1966.
14. European Convention on Human Rights. Council of Europe, 1950.
15. Raz J. The Authority of Law: Essays on Law and Morality. Oxford: Oxford University Press, 1979. – P. 210–231.
16. Fuller L.L. The Morality of Law. Revised ed. New Haven: Yale University Press, 1969. – P. 33–94.
17. Rawls J. A Theory of Justice. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1971. – P. 52–65.
18. Alexy R. A Theory of Constitutional Rights. Oxford: Oxford University Press, 2002. – P. 66–102.